



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 17 сентябрь, № 200 (7980)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШХТ САММИТИ ДОИРАСИДА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун 16 сентябрь куни Душанбе шаҳрига келди.



Давлатимиз раҳбарини Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосчи давлатларидан бири. 2001 йилда тузилган мазкур ташкилотга бугунги кунда саккизта мамлакат — Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон аъзо.

Ўтган 20 йилда ташкилот халқаро доирада нуфузли тузилмага айланди. Бугун ШХТ макони дунё аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, бой табиий ресурслар, илғор технологиялар ва улкан истеъмол бозорига эга.

Ўзбекистон ШХТга савдо-иқтисодий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавф-хатарлар ва трансмилийл жиноятчиликка қарши курашининг муҳим воситаси сифатида қарайди.

Мамлакатимиз ташкилот доирасидаги ҳамкорликда фаол иштирок этиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ҳамкорлик кўламини кенгайтириш ва натижадорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Шанхай

ҳамкорлик ташкилотига уч марта — 2003-2004, 2009-2010 ва 2015-2016 йилларда муваффақиятли раислик қилган. 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзоланган ва улар учун ташкилотга йўл очилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммит доирасида Тожикистон Республикаси Президенти, Покистон Исломи Республикаси Бош вазири, Эрон Исломи Республикаси Президенти билан учрашувлар ўтказди.

Президент Эмомали Раҳмон билан мулоқотда кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ иқтисодий тармоқларида кооперация лойиҳаларини ва маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурини амалга ошириш мақсадида фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Афғонистонда вужудга келаётган вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистоннинг ШХТдаги сермахсул раислиги даврида эришилган натижаларни юксак баҳолади ва бўлажак саммит тадбирлари муваффақиятли ўтказилишини тилади.

Покистон Исломи Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан музокарада икки мамлакат етакчиларининг жорий йил июль ойида Тошкент шаҳрида ўтган саммитида Ўзбекистон ва Покистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Шу йил бошидан икки томонлама товар айирбошлаш 2,5 баробар ортиган, 30 дан ортиқ янги кўшма корхоналар ташкил этилган таъкидланди. Тошкент ва Лаҳор шаҳарлари ўртасидаги авиақатновлар тикланди.

Самарали ишбилармонлик алмашинувларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш борасида биргаликдаги ишларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Энг аввало, преференциал савдо тўғрисидаги шартномани тез фурсатда қабул қилиш, транзит ва савдо муносабатлари тўғрисидаги битим қондаларини бажариш, қабул қилинган "Йўл харитаси"га

мувофиқ иқтисодийнинг турли тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш шулар жумласидан.

Учрашувда Афғонистонда вужудга келаётган ҳолатдан келиб чиқиб минтақадаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Эрон Исломи Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Эрон Президентини юксак давлат лавозимига сайлангани билан яна бир бор самимий кутлаб, масъулиятли фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

Амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йил бошидан ўзаро савдо кўрсаткичлари изчил ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалиги, паррандчилик, балиқчилик, озик-овқат саноати ва бошқа тармоқларда бизнес лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий алоқалар суръатини давом эттириш ва янги "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш мақсадида қўшма Ҳукуматлараро ко-

миссия ишини фаоллаштиришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, "Йўл харитаси" асосида саноат кооперациясини кучайтириш истиқболлари ҳамда икки мамлакат транзит салоҳиятини самарали ишга солиш имкониятлари ваколатли идоралар даражасида пухта ўрганилади.

Давлат раҳбарлари минтақа кун тартибидagi масалаларни, шу жумладан, Афғонистонда вужудга келаётган вазиятдан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқдилар.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг асосий тадбирлари 17 сентябрь куни бўлиб ўтади.

Тожикистон раислигида ўтказилаётган саммит ишида ШХТга аъзо давлатлар — Ҳиндистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Покистон Исломи Республикаси ва Россия Федерацияси етакчиларининг иштирок этиши кутилмоқда.

Шунингдек, давлат раҳбарлари мажлисида ташкилот ҳузурида кузатувчи мақомидаги мамлакатлар томонидан Беларусь Республикаси, Эрон Исломи Республикаси ва Мўғулистон Президентлари қатнашади. Мажлиснинг фахрий меҳ-

мони сифатида Туркменистон раҳбари тақлиф этилган.

Саммитда ШХТ ижроия органлари ва бошқа халқаро институтлар раҳбарлари ҳам иштирок этади.

Кун тартибига мувофиқ, иштирокчилар ШХТнинг ўтган 20 йилги фаолиятининг асосий яқунларини кўриб чиқадилар, кўп томонлама ҳамкорликнинг долзарб вазифаларини муҳокама қиладилар. Глобал сиёсат ва минтақа кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Саммит якунида Душанбе декларацияси қабул қилиниши, давлатлар раҳбарларининг қарорлари ва ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга доир бошқа кўп томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган. ШХТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтиши саммитнинг муҳим воқеаси бўлади.

Президентимиз анжуман доирасида Афғонистондаги вазият бўйича "ШХТ — КХШТ" форматидаги учрашувда иштирок этиши кўзда тутилган.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.



«Европа Иттифоқи — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи:

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Кеча Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Б. Қўчқоровнинг Европа парламентидаги «Европа Иттифоқи — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи бош котиби И. Текдемир билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги таъйинларни кўриш борасида олиб борилаётган ишлар, хусусан, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сайлов жараёнида за-

монавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари фаолияти, чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналар ҳузурида тузилган сайлов участкалари каби масалалар ҳақида сўз юритилди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Судга мурожаат қилиш учун янада қулай шароитлар яратилиши ва фуқаролик процессига соддалаштирилган иш юритиш тартиби жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 27 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил,

№ 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **397-модданин 1-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«1) суд ишининг рақами, ажрим чиқарилган вақт ва жой»;

(Давоми 2-бетда).

Акс садо

ХАЛҚЛАРНИ ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРГАН АНЖУМАН

Жорий йилнинг 14-15 сентябрь кунлари Хива шаҳрида "Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" мавзуйда халқаро форум ўтказилди.

Хива — Буюк Ипак йўлининг энг қадимий кентларидан бири, шаҳар узоқ вақт давомида таълим, илм-фан ва маданият маркази бўлиб келган. Минг йиллар давомида цивилизациялар беш и ги сифатида хизмат қилган қадимий Хива воҳасининг ички шаҳри — Ичан қалъа эса 1990 йилда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Бўлиб ўтган форум минтақамиз халқларининг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида ҳар томонлама фикр алмашиш учун майдон бўлиб хизмат қилди. Кейинги йилларда

мамлакатимизда олиб борилаётган прагматик очик сиёсат туфайли янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тора ортаётгани бир қатор халқаро рейтинг кўрсаткичларида ҳамда нуфузли анжуманларда эътироф этилмоқда. Аслида кейинги йилларда юртимизда уюштирилаётган нуфузли халқаро конференциялар, форумлар, маданий тадбирлар Ўзбекистонни нафақат Марказий Осиёнинг, балки дунёнинг замонавий маданий-маърифий марказларидан бирига айланиб бораётганини англатади.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Судга мурожаат қилиш учун янада қулай шароитлар яратилиши ва фуқаролик процессига соддалаштирилган иш юритиш тартиби жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

2) **405⁴-модданинг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ишининг рақами, ажрим чиқарилган вақт ва жой»;

3) **426-модданинг учинчи қисмидаги** «суд мажлиси бошланган ва тамом бўлган вақт кўрсатилган ҳолда мажлис бўлган жой ва сана» деган сўзлар «суд ишининг рақами; мажлисининг жойи ва санаси, мажлис бошланган ва тамом бўлган вақт кўрсатилган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **466-модданинг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ишининг рақами, ҳукм чиқарилган вақт ва жой»;

5) **497⁸-модда биринчи қисмининг 3-банди** «ҳукми чиқарган суднинг номи» деган сўзлардан кейин «суд ишининг рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **497³¹-модда иккинчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ишининг рақами, ажрим чиқарилган сана ва жой»;

7) **501-модданинг 3-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) суд ишининг рақами, устидан шикоят, протест берилган ҳукм, ажрим чиқарилган сана, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг номи»;

8) **502-модда: биринчи қисмининг 2-банди** чиқариб ташлансин; **иккинчи қисмидаги** «1 ва 2-бандларида» деган сўзлар «1-бандида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **508-модданинг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ишининг рақами, ажрим чиқарилган вақт, жой»;

10) **509-модда биринчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ишининг рақами, ажрим чиқарилган вақт, жой»;

11) **509¹⁰-модда биринчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ишининг рақами, ажрим чиқарилган сана ва жой»;

12) **577-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ажримнинг кириш қисмида суд ишининг рақамини, иши кўрилатган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, турар жойи, иш жойи, машғулот тури, маълумотини ва шахси тўғрисидаги иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотларни кўрсатади»;

13) **586-модда иккинчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ишининг рақами, ажрим чиқарилган вақт ва жой»;

14) **591-модда биринчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ишининг рақами, ажрим чиқарилган вақт ва жой».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 212-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **308-модда биринчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ишининг рақами, мажлисининг санаси ва жой»;

2) **309-модданинг иккинчи қисмидаги** «иш кўриб чиқилган сана» деган сўзлар «суд ишининг рақами; иш кўриб чиқилган сана» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **324¹³-модда: биринчи қисмининг 4-банди** «ва суд ишининг рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

4) **324¹⁴-модда: биринчи қисмининг 3-банди** чиқариб ташлансин; **иккинчи қисмидаги** «1-3-бандларида» деган сўзлар

«1 ва 2-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **324¹⁸-модда биринчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ишининг рақами, ажрим чиқарилган вақт ва жой»;

6) **324²⁴-модда биринчи қисмининг 2-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) суд ишининг рақами, ажрим қабул қилинган сана ва жой»;

7) **324³¹-модда учинчи қисмининг 2-банди** чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган УРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **51-модданинг тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Прокурор томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши, агар бу учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилмаса, даъво аризасини (аризани) кўрмасдан қолдиришга олиб келади»;

2) **53-модда** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат органи, ташкилот ва бошқа шахс томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тақдим этилган даъво аризасидан (аризадан) даъвогарнинг (аризачининг) воз кечиши, агар бу учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилмаса, даъво аризасини (аризани) кўрмасдан қолдиришга олиб келади»;

3) **122-модда** куйидаги мазмундаги **9¹-банд** билан тўлдирилсин:

«9¹) даъвогарнинг манфаатларини қўзлаб прокурор, давлат органи, ташкилот ва бошқа шахс томонидан тақдим этилган даъводан даъвогар воз кечган бўлса ва бунда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилинмаса»;

4) **123-модданинг: биринчи қисми** «10¹) рақамидан кейин «10¹» рақами билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмидаги «1, 3 ва 4-бандларида» деган сўзлар «1, 3, 4 ва 10³-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «5, 6 ва 7-бандларида» деган сўзлар «5, 6, 7 ва 10²-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **125-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Иш юритиш суднинг ажрими билан тугатилади. Агар иш юритиш иш судга тааллуқли бўлмаганиги сабабли тугатилса ва низои ҳал этиш бошқа давлат органининг ваколатига тааллуқли бўлса, суд аризачининг қайси органга мурожаат қилиши кераклигини кўрсатиши шарт»;

6) **178-модда биринчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) ишининг рақами ва буйруқ берилган сана»;

7) **194-модданинг учинчи қисми** «агар талаб судга тааллуқли бўлмаса» деган сўзлардан кейин «ва низои ҳал этиш бошқа давлат органининг ваколатига тааллуқли бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **270-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ҳужжатининг кўчирма нусхаси у чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган бюуртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади, ушбу шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда эса у электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Суд ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда суд ҳужжатининг кўчирма нусхасини бошқа шахсларга ҳам юборилади»;

9) **272-модда биринчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) ишининг рақами, ажрим чиқарилган вақт ва жой»;

10) куйидаги мазмундаги **25¹-606** билан тўлдирилсин:

«25¹-606. Соддалаштирилган тартибда иш юритиш

279¹-модда. Ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиш

Соддалаштирилган иш юритиш тартибдаги иш ушбу Кодексда назарда тутилган даъво ишини юритишнинг умумий қоидаларига кўра, мазуру бобда белгиланган ўзига хос хусусиятларга эга суд томонидан кўриб чиқилади.

279²-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиладиган ишлар

Агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан ўн бараваридан, жисмоний шахсларга нисбатан эса беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари буйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилиши лозим.

Агар ушбу модданинг учинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, даъвогарнинг илтимосномасига кўра, жавобгарнинг розилиги билан бошқа ишлар ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

Агар ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиш чоғида куйидаги ҳолатлар белгиланадиган бўлса, суд ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари буйича кўриш ҳақида ажрим чиқаради:

1) ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиш давлат сирининг, тижорат сирининг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг ошкор этилишига олиб келиши мумкин бўлса;

2) қўшимча ҳолатларни аниқлаш ёки қўшимча далилларни текшириш, шунингдек далилларни улар турган жойда кўздан кечириш ва текшириш, экспертиза тайинлаш ёки гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиш зарур бўлса;

3) билдирилган талаб бошқа талаблар билан боғлиқ бўлса, шу жумладан учинчи шахсларга тааллуқли бўлса ёки мазуру иш буйича қабул қилинган суд ҳужжати билан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилиши мумкин бўлса;

4) ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиш чоғида ушбу бобда белгиланган қоидалар буйича кўриб чиқилиши лозим бўлмаган қарши даъво берилган бўлса.

Ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари буйича кўришга ўтиш тўғрисидаги ажримда умумий тартибга ўтиш учун асослар кўрсатилади. Ажрим чиқарилганидан кейин ишни кўриш бошидан бошланади.

Узаро боғлиқ бўлган бир нечта талаб билдирилган бўлиб, улاردан бири ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга тааллуқли бўлган, бошқалари эса уларга тааллуқли бўлмаган тақдирда, барча талаблар даъво ишини юритишнинг ушбу Кодексда белгиланган умумий қоидалари буйича кўрилиши лозим.

Ишни кўриш мuddати ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари буйича кўриб чиқиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади.

279³-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиладиган иш буйича даъво аризасига доир талаблар

Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиладиган иш буйича даъво аризаси ушбу Кодекснинг 189-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиладиган иш буйича даъво аризасига ушбу Кодекснинг 191-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинади.

279⁴-модда. Ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилиши ўзига хос хусусиятлари

Аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, ажримда иш соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўрилишини ҳамда иш кўриб чиқиладиган санани кўрсатади.

Суд аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш ҳақидаги ажримда жавобгарга даъво аризасига доир ёзма фикрини ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар тақдим этиши зарурлигини кўрсатади.

Суд ажрим билан бир вақтда жавобгарга даъво аризасининг (аризанинг) кўчирма нусхасини ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини дарҳол почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборади.

Жавобгар даъво аризасига доир ёзма фикрини судга ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли.

Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Даъво аризасига доир ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат илова қилинади.

Жавобгар томонидан даъво аризасига доир ёзма фикр тақдим этилмаганлиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилаётган иш аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган мuddатда судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиш мuddати узайтирилмайди.

Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибдаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён қилинган тушунтиришларни, эътирозларни ва (ёки) важларни текширади, далиллар билан танишади ҳамда ҳал қилув қарорини қабул қилади.

279⁵-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш буйича ҳал қилув қарори

Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш буйича ҳал қилув қарори ушбу Кодекснинг 23-бобида назарда тутилган умумий қоидаларга кўра, мазуру бобда белгиланган ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ишнинг ҳал қилинишига таъсир қилмайдиган бўлиши мумкин.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш буйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикоят (протести) берилмаган бўлса, қабул қилингандан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш буйича ҳал қилув қарори суд томонидан ушбу Кодекс V бўлимининг қоидаларига кўра бериладиган ижро варақаси асосида ижро этилиши лозим.

Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш буйича ҳал қилув қарори ушбу Кодекснинг IV бўлимида назарда тутилган қоидаларга асосан апелляция ва кассация тартибда, шу жумладан кассация инстанцияси судида такоран, шунингдек янги очилган ҳолатлар буйича қайта кўриб чиқилиши мумкин»;

11) **284-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси тарафларга ушбу қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай топширилганлиги маълум қилинадиган бюуртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади, ушбу

шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда эса у электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин»;

12) **385¹-модда:** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш буйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин ўн кун ичида берилиши мумкин»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи** қисмлар деб ҳисоблансин;

13) **386-модда биринчи қисмининг 3-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) ишининг рақами, шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор қабул қилинган сана ва ушбу суд ҳужжатларини чиқарган суд»;

14) **387-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбоши** чиқариб ташлансин;

15) **395-модда:** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш буйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) у судга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

16) **399⁴-модда биринчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) ишининг рақами, ажрим чиқарилган сана ва жой»;

17) **406-модда биринчи қисмининг 3-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) ишининг рақами, шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор қабул қилинган сана ва ушбу суд ҳужжатини чиқарган суд»;

18) **407-модданинг: учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

19) **407⁴-модда биринчи қисмининг 2-банди** чиқариб ташлансин;

20) **419¹-модда биринчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) ишининг рақами, ажрим чиқарилган сана ва жой»;</

Сенат қўмитасида

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурдаги Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги фаолияти юзасидан ахборот эшитилди.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНМОҚДА?

Таъкидланганидек, мазкур агентлик томонидан "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Фармон ва қарорлар асосида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солишда ягона давлат сиёсати таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Масалан, 2020 ва 2021 йилнинг биринчи ярмида 37 мингдан зиёд мурожаатлар қўриб чиқилиб, 9,6 миллиондан ортиқ истеъмолчилар ҳуқуқи тикланган ва уларга етказилган 184,9 млрд. сўм зарарни қоплаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги кунга қадар унинг 133 млрд. сўми қоплаб берилган.

Таъкидланганидек, мазкур агентлик томонидан "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Фармон ва қарорлар асосида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солишда ягона давлат сиёсати таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Масалан, 2020 ва 2021 йилнинг биринчи ярмида 37 мингдан зиёд мурожаатлар қўриб чиқилиб, 9,6 миллиондан ортиқ истеъмолчилар ҳуқуқи тикланган ва уларга етказилган 184,9 млрд. сўм зарарни қоплаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги кунга қадар унинг 133 млрд. сўми қоплаб берилган.

Агентлик ташаббуси билан 14 та қонунчилик ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, 3 таси қабул қилинган ва 2 та қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қўрилмоқда.

Ивирилишида ана шу ютуқлар баробарида, айрим камчиликларга йўл қўйилгани ҳам айтилди. Мисол учун агентлик томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солишга масъул бўлган давлат идоралари ҳамда худудий тузилмалар фаолияти тўлақонли мувофиқлаштирилмаган.

Худудий тузилмаларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш, улар мурожаатларини қабул қилиш ва муаммоларини ўрганиш ишлари ҳам изчил ташкил этилмаган. Жумладан, Андижон, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида "Ишонч телефонлари" янги йўлга қўйилмаган.

Мажлисида ушбу камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшан Алимов Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманидаги 4-умумтаълим мактабида туман ёшлари билан учрашди.

Очик ва қизгин тарзда ўтган суҳбатда мустақил Ўзбекистон тараққиёти босқичлари, кейинги беш йилда амалга оширилаётган чўқур ислохотлар, эришилган ютуқ ва натижалар ҳақида сўз борди. Йигит-қизларнинг ҳар томонлама камол топишига шароит яратиш, давлатимизнинг

устувор вазифалари этиб белгилаб олингани, мамлакатимизда ёшларнинг эркин фикрлаши ва бахтли келажагини мустақил танлаши учун яратилган кенг имконият мавжудлиги билан тилга олинди. Бу эса, ўз навбатида, эрталаб эгаларини янги марралар сари руҳлантиришига

ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ТУБ ЎЗГАРИШ ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИЛДИ

Хива туманида Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев иштирокида Хоразм вилояти туман ва шаҳарлари котибият мудирилари ҳамда туман Кенгаши депутатлари билан учрашув ўтказилди.

Таъкидлаб Оронбўйи минтақаси муаммолари, кадастр соҳасида аҳолини қўйнаётган масалалар, суғурта фаолияти ҳамда Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўриб чиқилган бошқа вазифалар муҳокама қилинди.

Давлат бошқаруви барча соҳасидаги туб ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, сенатор томонидан депутатлар барча жараёнларда фаол қатнашиши, қонун, Фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини аҳолига чўқур тушунтириши, мурожаатлари жойида ўрганиб, қонуний ҳал этиши кераклиги таъкидланди.

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати.

Баҳолашнинг ягона тизими яратилади

Ер силкиниши табиий офатлар орасида энг кўп қурбонларга ва мамлакатларнинг иқтисодийетига зарар етказишига сабаб бўлувчи офат ҳисобланади. Сўнгги 10 йил мобайнида дунёда содир бўлган фалокатли зилзилалар натижасида 914 минг киши қурбон бўлган, жабрланганлар сони 2,5 миллиондан ортиқ кишини, умумий иқтисодий зарар эса 360 млрд. долларни ташкил этган.

Фикр

Куни кеча "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан мамлакатимиз аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг қонуний асоси такомиллаштирилди, масъул давлат органларининг бу борадаги вазифалари белгиланди. Хусусан, ҳуқуқат томонидан худудларда сейсмпрогностик мониторинг ва сув омборларида доимий сейсмологик ҳамда сейсмометрик кузатувлари олиб бориш, фавқулодда вазиятларда тезкор кутқарув ишларини ташкиллаштириш каби вазифалар белгиланди. Эн-

диликда давлат тизими куч ва воситаларининг зилзилаларга шайлигини таъминлаш, зилзила хавфи ҳақида аҳоли ва давлат органларини тезкор хабардор қилиш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, қурилиш жараёнида сейсмик хавфсизлик талабларининг бажарилиши бўйича доимий назоратни олиб бориш, янги қурилиб, фойдаланишга топширилётган бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортларини шакллантириш ҳамда сейсмик хавфсизликни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни доимий такомиллаштириб бориш ишлари белгиланди.

Қонун ижодкорларидан бири сифатида айтишим мумкинки, ҳужжати ишлаб чиқиш жараёнида АҚШ, Хитой, Япония, Россия, Арманистон, Тожикистон давлатла-

ри қонунчилиги, шу жумладан, ушбу соҳада қабул қилинган давлат дастурлари атрофича ўрганилди. Қолаверса, республика худудининг сейсмик шароитларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилди.

Шунингдек, қонун билан бино ва иншоотларнинг сейсмик муштасамлиги бўйича текширув ва мониторингни ўтказишнинг тартиблари белгиланди. Жумладан, тегишли тоифадаги объектлар ҳар беш йилда сейсмик муштасамлик бўйича визуал текширувдан ўтказилади. Айниқса, сув омборлари тўғонлари ва гидроэлектр станцияларида инструментал техник текширувлар йилга икки марта ўтказилиши қонун билан белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, электрон техник паспортлар асосида бино ва иншоотларнинг сейсмик заифлик бўйича

доимий мониторинги олиб борилади. Сейсмик хавф аниқланган тақдирда, бино ёки иншоот тегишли бўлган ташкилот 6 ой давомида хавфни бартараф этиш чораларини қўради. Хулоса қилиб айтганда, ҳужжатдаги нормаларнинг ҳаётимизда кенг жорий этилиши худудларда сейсмпрогностик мониторинг ва сув омборларида доимий сейсмологик ҳамда сейсмометрик кузатувлари олиб борилади. Соҳада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш тизимли йўлга қўйилади. Аҳамиятлиси, бино ва иншоотларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи ягона тизим яратилади.

Дилшод ҲАМЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙИЧА ОЗОН ҚАТЛАМИНИ ЕМИРУВЧИ МОДДАЛАРНИНГ 99,5 ФОЙЗИ МУОМАЛАДАН ЧИҚАРИЛГАН. АММО...

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари ҳамкорликда 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш кунига бағишланган семинар ўтказилди.

Семинарда таъкидланганидек, Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тўлақонли субъекти сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги 15 та халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги 7 та кўп томонлама халқаро шартномага қўшилган. 1985 йилда Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинганлиги озон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро сайёҳаракатларнинг аниқ механизми бўлди.

Мазкур конвенция доирасида илмий тадқиқотларни ўтказишда халқаро ҳамкорлик, озон қатламини тизимли мониторинг қилиш, озонни емирувчи моддалар — хлорфторуглерод бирикмаларининг ишлаб чиқарилиши мониторинги ва ахборот алмаши-

нуви қўзланган. Унда, шунингдек, келгуси йилларга мўлжалланган протоколлар ва тузатишлар киритиш йўллари ҳам белгиланган.

Тадбир давомида Ўзбекистон Вена конвенцияси ҳамда Монреаль протоколлари 1993 йили ратификация қилгани, мазкур конвенциянинг тегишли талаб ва қоидаларига риоя этиш режимида амал қилинаётгани алоҳида таъкидланди. Дунё ҳамжамиятидаги бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистон ҳам озон қатламини ҳимоя қилиш борасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Озон қатламини ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қаторидан мустақам жой олди.

Ҳукуматимиз томонидан қабул

қилинган 2018 йил 9 январдаги "Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасида импортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор билан келгусида озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича аниқ ҳаракат ва чоралар белгиланган.

Вена конвенцияси талаблари ижроси ҳамда Миллий дастур доирасида озон қатламини емирувчи моддаларни муомаладан босқичма-босқич чиқаришни таъминлаш мақсадида санот корхоналарида ишлаб чиқаришни озонга хавфсиз маҳсулотларга ўтказишни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикаимиз бўйича озон қатлами-



ни емирувчи моддаларнинг 99,5 фойизи муомаладан чиқарилган ва бу натижага Монреаль протоколи билан режалаштирилган муддатлардан илгари бажаришга эришилди.

такомиллаштириш масалалари ҳалиям долзарблигича қолмоқда. Йиғирилад шунга оид фикрлар ва таклифлар ҳам ўртага ташланди. Хулосалар асосида ташкилотчиларнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан "Инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Видеоконференцалоқ шаклида ташкил қилинган тадбирда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг туман-шаҳар бўлиmlлари раҳбарлари, мутаассадди идоралар масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Амалиётини хорижда катта маблағ ва вақт сарфламасдан Самарқандда ҳам амалга ошириш мумкин, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси О. Иминов. — Аммо инсон аъзо ва тўқималари трансплантацияси бўйича қонунчилигимизда белгиланган нормалар замон талабига мос эмас. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳасида қайд қилинган амалиёт билан боғлиқ аниқ чегара ва тартиб белгиланмоқда. Шу бос лойиҳани маҳаллий Кенгашлар депутатлари, олим ва мутахассислар, умуман, кенг жамоатчилик иштирокида батафсил муҳокама қилди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш билан боғлиқ турли кўнгилсиз ҳодиса-

ларнинг олдини олиш учун Жиноят кодексига ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилляпти. Айни чоғда ушбу амалиёт бизнес турига айлиб қолмаслиги учун ҳам зарур чекловлар ўрнатилмоқда.

— Ҳозиргача вилоятимизда 67 та бўйрак, 8 та жигар трансплантацияси бажарилди, — дейди Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Д. Жуманиёзов. — Уларнинг бор-йўғи 3 таси Самарқанд шаҳрида операция қилинган. Эндиликда бу борада қонунчилик мустақамлашиб, бўйрак кўчириб ўтказиш амалиёти кенг гайтирилиши ҳисобига беморлар учун катта қулайлик яратилади.

Тадбирда яқин вақт ичида вилоятда жигар ва юрак трансплантацияси ҳамда инсон аъзоси ва тўқималарини кўчириб ўтказиш билан шуғулланувчи махсус марказ фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилаётгани ҳам айтиб ўтилди. Шунингдек, давра суҳбатида жамоатчилик вакиллари томонидан қонун лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

«Европа Иттифоқи — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи: ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, «Европа Иттифоқи — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи сиёсий, ишбилармон доиралар, шунингдек, фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида юқори даражадаги мулоқотни таъминлаш орқали Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи институтилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни кучайтиришга қаратилган.

«Халқ сўзи».

САЙЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒ НИМАЛАРГА САРФЛАНАДИ?

Марказий сайлов комиссияси шу йилнинг октябрь ойидаги Президент сайлови харажатлар сметасини — 300 млрд. сўм этиб тасдиқлади. Унга кўра, сиёсий партияларнинг ташвиқот ва тарғиботи учун 15 млрд. 486 млн. сўм ажратилган, ҳар бир номзодга эса 3 млрд. 97 млн. сўмдан харажат тўғри келмоқда. Бундан ташқари, сайлов жараёнида коронавирусга қарши курашиш учун 11,5 млрд. сўм сарфлаш ҳам режалаштирилган.

Бу миқдор камми ёки кўп? Сайлов жараёнини сифатли ва шэф-фоф ўтказиш учун ажратилаётган пуллар салмоғини бошқа давлатлар билан солиштириш мумкин. Интернет тармоғидаги очик маълумотларга асосланган бўлсак, ўтган йилда АҚШда ўтказилган сайлов кампанияси олдингиларига нисбатан жуда катта миқдорда, яъни 14 млрд. долларга тушган. 2018 йил Россия Федерациясида бўлиб ўтган Президентлик сайлови Давлат бюджетидан 300 млн. доллардан ошмиқ пул ажратилган.

Ен кўшимчиси Қозоғистонда 2019 йил бўлиб ўтган шу турдаги сайловга 9,4 млрд. тенге (яъни 23 млн. доллар атрофида) маблағ сарфланган эди. Албатта, миқдор сайловчилар сони ва давлатнинг иқтисодий-иқтисодий кўрсаткичларига қараб турлича бўлиши табиий ҳол.

Ўзбекистонда эса ажратилган сўмма тахминан 28 млн. долларни ташкил этади ва 33 миллион аҳолига эга давлатимиз учун нормал ҳолат. Ажратилган мазкур маблағлар шайхсий манфаатлар учун ишлар билан солиштириш мумкин. Интернет тармоғидаги очик маълумотларга асосланган бўлсак, ўтган йилда АҚШда ўтказилган сайлов кампанияси олдингиларига нисбатан жуда катта миқдорда, яъни 14 млрд. долларга тушган. 2018 йил Россия Федерациясида бўлиб ўтган Президентлик сайлови Давлат бюджетидан 300 млн. доллардан ошмиқ пул ажратилган.

Оқруғ ва участка сайлов комиссиялари учун ажратилаётган маблағларнинг 80 фоиздан кўпроги мазкур комиссиялар аъзоларининг иш ҳақи, компенсация ҳамда ягона ижтимоий тўловлар учун сарфланади. Улар орқали сартарошларга, деҳқонларга ва бошқаларга тимий-иқтисодий кўрсаткичларига қараб турлича бўлиши табиий ҳол.

Ўзбекистонда эса ажратилган сўмма тахминан 28 млн. долларни ташкил этади ва 33 миллион аҳолига эга давлатимиз учун нормал ҳолат. Ажратилган мазкур маблағлар шайхсий манфаатлар учун ишлар билан солиштириш мумкин. Интернет тармоғидаги очик маълумотларга асосланган бўлсак, ўтган йилда АҚШда ўтказилган сайлов кампанияси олдингиларига нисбатан жуда катта миқдорда, яъни 14 млрд. долларга тушган. 2018 йил Россия Федерациясида бўлиб ўтган Президентлик сайлови Давлат бюджетидан 300 млн. доллардан ошмиқ пул ажратилган.

Бундан ташқари, Президент сайлови бўйича 14 та округ сайлов комиссияси ва 10 800 га яқин участка сайлов комиссиялари ташкил этилади ва уларнинг ҳар бирида, асосан, қуйидаги харажатларга йўналтирилади:

- барча комиссия аъзоларининг иш ҳақи;
• ягона ижтимоий тўловлар;
• хизмат сафари ва фельдъегерлик хизмати харажатлари;
• сайлов бюллетенлари ва таклифномаларни сайлов участкаларига етказиб беришни ташкил этиш учун транспорт харажатлари;
• шаҳарлараро телефон алоқаси;
• сайлов комиссияларига пешлаваҳ ва ахборот стендлари тайёрлаш харажатлари;
• сайлов округларида такрорий овоз бериш жараёнларини молиялаштиришга.

Комиссия аъзолари округ ва участка сайлов комиссиялари учун ажратилаётган маблағларнинг қарийб 80 фоиздан ортиғи иш ҳақи ва компенсация ҳамда ягона ижтимоий тўловлар учун сарфланади. Шунингдек, мазкур комиссиялар фаолияти давомида АҚТдан фойдаланиш, интернетга улзуксиз уланиш ва алоқа воситаларидан фойдаланишни таъминлашга — 20 млрд. сўм йўналтирилади. Бундан ташқари, сайловга оид босма материаллари ва сайлов ташвиқотига доир ахборот ва маълумотларни чоп этиш учун қарийб 14 млрд. сўм ажратилади.

Сайловга кўп маблағ ажратиш шартми, камтарона ўтказасак бўлмайди, деб сўрайдиганлар ҳам бор. Ававало, сайловга қўллаб ҳорижий давлатлардан кузатувчилар ташриф буюради. Уларнинг аксарияти нуфузли академик ва эксперт доиралардан, шу баҳонада улар мамлакатнинг иқтисодий

барқарорлиги ва ишбилармонлик муҳитига ҳам баҳо беради. Шу нуқтаи назардан фақатгина қутиларни қўйиш билан чекланиб қолинса, ОАВ ва кузатувчиларга шариотлар яратиб берилмаса, шаффофлик таъминланмаса, ёки айтилик номзодлар ва уларнинг қомандасига фаол сайлов кампаниясини ўтказишга маблағлар ажратилмаса, ушбу сайловларнинг легитимлиги ва тан олиш масалалари мураккаблашиб кетади.

Шунингдек, сайловга ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан сайлов якунлари эълон қилинганда сўнг белгиланган муддатларда Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайти орқали ва ижтимоий тармоқларида ҳисоботи ёритиб борилади.

Қамолiddин МАВЛОЕВ, ТДЮУнинг Фундаментал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси.

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС

БАХТЛИ ҲАЁТ САРИ ҚАДАМ

Халқимиз нега оилани юксак қадрият деб билади? Чунки биз учун бахт-саодатнинг чинакам осёни шу. Фаровон турмушнинг сирин — оилавий тотовликда, хонадонларимиздаги файзу баракада. Ўзбекистонда "Оилавий бизнес" тушунчасининг тез оммалашиб ва ҳатто ҳаёт тарзимидаги теран сингишиб кетишини ана шу омиллар билан изохлаш мумкин. Аммо ҳақиқат бир савол тугилади: оилавий тадбиркорликда муваффақиятга эришиш учун хонадон аъзоларидан қай бири қандай вазифаларни бажариши керак?



Шижоат ва тажриба бирлашса...

Фарзандларимизни жону жигарларимиз, деб авайлашимиз тўғри. Шу билан бирга, улар сунъимиз, қанотимиз эканлиги ҳам рост. Шундай экан, оилавий бизнесда ёшларнинг иштирокидан чўчино бўйрин. Чунки бу фаолият тури, кўпчилигимиз ўйлаганимиздек, уларнинг таълим олишига ҳалақат бермайди. Аксинча, ўй-қизларимизга пул ишлаб топиш имкониятини яратди.

Қолаверса, ушбу бизнес оила аъзолари ўртасида бандликни самарали тақсимлаш, ҳар бирининг қобилияти, билим ва тафаккури, маълумот даражаси ҳамда имкониятларини ижобий баҳолаш заруратини юзага келтиради. Демак, муваффақият учун оила аъзоларидан бирида тадбиркорлик фаолияти учун албатта, лаёқат ва ташкилотчилик қобилияти бўлиши шарт.

Яна бир факт: оиладаги ҳар бир вақилнинг кучли ва кучсиз жиҳатлари бўлиши табиий. Ишлаб чиқариш жараёнида шуни ҳисобга олиб вазифаларни тақсимлаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ёш авлод куч-қуввати, шижоати билан қатталар тажрибасини мувофиқлаштириш ҳам самарали механизмлардан биридир.

Демак, оилавий бизнесда ҳаммиша ҳам кутилган самарадорликка эришиб бўлмайди. Чунки тадбиркорликнинг мазкур турида муваффақиятга эришиш бир кишининг ҳаракатига боғлиқ эмас. Бунинг учун Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-психологик мақомини ўрганиб, уларнинг фарзандларида ҳам турғи иқтисодий тафаккур ва маданиятни тарбиялаш, келгуси авлодни ишбилармон, тадбиркор, менежмент соҳасида билимдон қилиб вояга етказиш муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, хотин-қизларнинг бизнес соҳасидаги профессионал салоҳиятини миллий урф-одатларимизни инобатга олган ҳолда юксалтириш, зарур билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари учун махсус таълим лойиҳалари — дастурларни ишлаб чиқиш давр талабидир.

Тадбиркор бўлмоқчимиз? Имтиёзлар кўп!

Мамлакатимизда бозор механизмларининг тақомиллашуви хусусий мулкчиликнинг барча шакли ривожланишига кенг йўл очди. Хусусан, оилавий бизнес фаолияти давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Иқтисодийнинг реал секторини либерализация ва модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнида фуқароларнинг хусусий мулк ҳамда меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди.

Бунда "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Yoshlar — kelajagimiz", Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоқра эр эгаларини қўллаб-қувватлаш, Хўнармандчиликни ривожлантириш, Бандликка қўмаклашиш, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш каби дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани катта самара бераётир. Ўтган йили улар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга қарийб 4 триллион сўм йўналтирилганлиги натижасида пандемиянинг иқтисодий асоратлари оилавий тадбиркорлик фаолияти билан банд аҳоли қатлами учун бир оз енгилроқ кечди. Бу йўналишдаги чора-тадбирлар жорий йилда янада кенг қўлам касб этмоқда. Чунки, тегишли дастурлар доирасида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш учун аризалари Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ағона электрон платформаси орқали қабул қилиниши йўлга қўйилди. Кредит олишда талабгорларга "Агробанк", Халқ банки ва "Микрокредитбанк"дан бирини ихтиёрий тандаб, барча дастурлар доирасида имтиёзли кредит олиш бўйича мурожаат этиш имконияти яратилди. Узини ўзи банд қилдиган фуқароларга касаначилик, хўнармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу қабилда учун зарурий хом ашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш мақсадида 5 млн. сўмгача миқдорда кредит маблағлари нақд пулда ажратилиши ҳам муҳим янгиликлар сирасидан.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш

риш учун Молия вазирлиги томонидан 1,3 трлн. сўм миқдоридagi маблағ ваколатли банкларнинг устав капиталини оширишга йўналтирилгани ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси эса тегишли молия муассасаларига 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 1,6 трлн. сўмлик кредит ресурслари ажратди.

Ана шу сармоялар айни пайтда Марказий банкнинг асосий ставкаси доирасида, имтиёзли шартлар асосида аҳолига тақдим этилмоқда.

Хуқуқий асослар тақомиллаштирилмоқда

Конституцияимизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодийнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши кафолатлаб қўйилган. Бундан ташқари, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик шаклида бажариш мумкинлиги белгиланган.

Қонунга қўра, оилавий корхоналар юридик шахслар учун белгиланган солиқ еки яғона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолият турларини амалга оширишлари мумкин. Бунда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш, шунингдек, сервис ва хизматлар кўрсатиш хонадон бизнеси вақиллари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Бу рўйхатга хўнармандчилик ҳам киритилди.

Оилавий тадбиркорликда микрофирмалар ва кичик корхоналарга ўшаш молиявий хужжатлар ва статистик ҳисоботлар юритилади. Фаолият иштирокчилари нафақат мол-мулки негизидagi эр-хотинлар, балки қариндошлик ҳамда қуд-андачилик муносабатларида бўлган меҳнатга лаёқатли оиланинг бошқа аъзолари ҳам бўлиши мумкин.

Жорий йил 2 май куни қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун асосида эса соҳа вақилларининг хуқуқ ва ваколатлари янада кенгайтирилди.

Булардан кўриндики, мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг хуқуқий кафолатларини тақомиллаштириш келажакда нафақат оила ривожига, балки юрт тараққиётига хизмат қилади.

Миллиардларнинг манбаи

Танишларингиз орасида миллионер ёки миллиардер аёллар борми? Маҳал-ладошларингиз ичида-чи? Улардан қай бири катта корхона очган, бошқаси тиквучилик фабрикаси эгаси, яна бири қандолат цехини бошқаради... Хуллас, аксарияти — бизнесмен опа-сингиллар...

Афсуски, худди шу ҳолатнинг аксига ҳам гувоҳимиз: маҳалла идорасига нафақа сўраб чиққан аёллар, иш излаб юрган хотин-қизлар, уй-жойга муҳтож опахону онахонлар...

Ана шундай вазиятда давлатимиз қандай йўл тутмоқда? "Балик берма, эҳтиёж-манд хотин-қизларимизни бизнесга жалб қилмоқда. Бунда, айниқса, оилавий тадбиркорлик кўл келмоқда. Чунки ушбу фаолият тури кўпроқ аёллар бандлиги муаммосини ечиш имкониятини бераётир. Қолаверса, оилавий бизнеснинг яна бир афзаллиги оила ва ишнинг бири-бири билан узвий боғлиқлигидadir. Бунда хонадон аъзолари қулай иш жадвали ва меҳнат тақсимотини ўзлари амалга оширишади.



Оила — жамият гултожи. Халқимизнинг фаровон ҳаёти эса файли хонадонларимиз оstonасидан бошланади. Шундай экан, тадбиркорлик қилиб, изланиш ва ташаббуслари, ҳалол меҳнати ортидан ҳам ўз оиласи, ҳам жамиятимиз, ҳам давлатимизга наф келтираётганларни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, оз.

Гулноза ОЧИЛОВА, Тошкент давлат иқтисодий университетининг Инновацион таълим кафедраси доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

Яна бир эътиборли жиҳати, охириги йилларда тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг дунёқарашида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу гендер тенглик тамойилининг ҳаётимиздаги амалий инъикоси. Бироқ бу тушунчани аёлларнинг эркаклардан устун бўлиши қабилда нотўғри англаётганлар ҳам йўқ эмас. Уларга шуни таъкидлашни истардики, гендер тенглик фақат аёллар манфаатларини ифодаламайди. Балки ҳар икки жинс вақилларининг ўз орузу ва мақсадлари сари дадил оидимлаши, ҳаёт сифатини ошириш учун уларга бир хил имкон бериш кераклигини илгари суради. Зотан, бу давлат ва жамият ривожига хизмат қилади.

Қаранг, мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизини опа-сингилларимиз, уларнинг қарийб 64 фоизини эса 30 ёшга бўлган хотин-қизлар ташкил этади. Шундай экан, мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш ҳаётий зарурат.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига қўра, дунёда ҳар 10 ишловчи эркак кишига 6 та ишловчи аёл тўғри келар экан. Бу кўрсаткичлар йил сайин ўзгара бўлмоқда. Яъни аёлларнинг меҳнатда бандлиги тобора ортаётир. Айниқса, Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий фаолигида аёлларнинг салмоғи бошқа давлатлардагига нисбатан анча юқори. Масалан, дунё бўйича бу кўрсаткич ўртача 53,1 фоизни ташкил этса, юртимизда 68,9 фоизга тенг. Лекин мамлакат ички муҳитида аёлларнинг иқтисодий фаолият даражаси эркакларникидан паст. Опа-сингилларимиз, асосан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, фан каби йўналишларда иш билан банд. Айни сабабдан бугунги глобаллашув даврида давлатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ушбу секторда аёллар меҳнатининг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижалари эса аллақачон буй кўрсата бошлади. Лекин олдинда ҳал этиладиган масалалар ҳали кўп.

Сизнинг сертификатингиз борми?

Тадбиркорликни ҳамма ҳам эпллолмайди. Бу фаолият учун билим, тажриба, укув керак ва албатта, сармоя ҳам! Бизнес ҳақида бошланғич тасавури ҳам йўқ, молиявий саводхонлиги етарли бўлмаган аёл-қизларимиз қандай йўл туттишлари керак? Давлатимиз бунинг ҳам ҳисобини олган. "Аёллар дафтари" бўйича Халқ банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, Савдо-саноат палатаси, "Хўнарманда" уюшмаси ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда худди шундай фуқароларимиз ўқитиляпти. Машғулотлар якунида республикамиз бўйича жами 69 минг 877 нафар хотин-қизга махсус "сертификат"лар берилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 49 минг 174 нафар аёл шундай имкониятга эга бўлгани, албатта, ижобий кўрсаткич.

Фикримча, келгусида тадбиркорлик соҳасида аёллар саводхонлигини ошириш мақсадида турли бепул ўқув курслари қамровини янада кенгайтириш лозим. Шунингдек, меҳнатда банд бўлган аёлларни қўллаб-қувватлашда имтиёзли ёндашувларни қўллаш жоиз.

Қишлоқ жойларида яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мулкка эгалик ҳиссини қучайтириш, касаначиликни ривожлантириш асосида янги иш жойларини барпо этиш ва бунда замонавий соҳаларни ўзлаштириш кутилган самарани бериши, шубҳасиз.

ХАЛҚЛАРНИ ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРГАН АНЖУМАН

Инсониятнинг илк тамаддуни билан тенгдош бўлган дийримизда милоддан кейинги даврда иккита улкан ўғониш тўлини жўш урганга тарих гувоҳ. Аммо бугунги замонавий илм-фан ютуқлари айнан бизнинг худудда кечган Буюк Ренессанс тўғрисида юзга келган кашфиётлар асосига қурилгани ҳамон дунё аҳлига бор маҳобати билан кўрсата олганимиз йўқ. Қолаверса, Ўзбекистон Буюк Ипак йўлидаги қулай географик жойлашуви тўғрисида халқаро савдо, маданий, илмий ва ақл-заковат алмашинувида муҳим бўлиб хизмат қилган. Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасидаги мулоқот ривожига беқийёс ҳисса қўшган.

Афсуски, Марказий Осиё халқларининг бугунги жаҳон тараққиётидаги улуши бор қўлами билан ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Айниқса, Ўзбекистонимизнинг бебаҳо маданий меросини дунё аҳли учун деярли очилмаган ҳазина ҳисобиди баҳолаш мумкин. Бу ҳақда гап кетганда, Париж ва Самарқанд шаҳарларида БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО Бош директори Олди Азуле билан ўтказилган учрашувлардаги хулосаларни эслаш ўринли. Хусусан, Самарқанддаги учрашууда халқимизнинг ноёб маданий-тарихий меросини асраш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва бу бордаги алмашинувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилишига келишилганди. Юртимизда бой маданий меросни асраб-авайлаш, туризм салоҳиятини рўйбга чиқариш, таълим ва фан, атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида муҳим ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги ислохотлар ижобий натижалар бераётгани мамнуният билан қайд этилганди.

Бугунги кунда 195 та мамлакат аъзо бўлган ЮНЕСКО ташкилоти 1945 йилдан бунён таълим, фан, маданият, коммуникациялар, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш ор-

қали тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга қўмаклашиб келмоқда. Ўзбекистон билан ЮНЕСКО алоқаларини ривожлантиришга қаратилган 2021 йилгача ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатимизда бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Хи-вадаги "Ичан қалъа" мажмуаси, Самарқанд, Бухоро ва Шаҳри-сабзнинг тарихий марказлари, шунингдек, Чотқол биосфераси ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шош-мақом, Бойсун маданий макони, Наврўз, Катта ашула, Аския, Параван маданияти ва анъанаси, Хоразм лағзиси каби меросларимиз ташкилотнинг Инсоният номдодий маданий мероси репрезентатив рўйхатидан жой олган бўлса, Марғилон хўнармандчилик мактаби: атлас ва адрес тўқуш технологияси энг илгор тажриба реестридан ўрин эгаллади.

"Шарқ тароналари", Халқаро бахшчилик санъати, Халқаро хўнармандчилик фестиваллари ҳамда Халқаро маком санъати анжумани каби қатор йирик халқаро тадбирлар ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. ЮНЕСКОнинг етакчи олий таълим муассасаларида Дунё динларини қиёслама таълиқ этиш, Сув дипломатияси, сув ресурслари муҳофазаси соҳаларида муҳим ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги ислохотлар ижобий натижалар бераётгани мамнуният билан қайд этилганди.

Кайд этиш лозимки, Хива шаҳрида "Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" мавзуда халқаро форум ўтказиш ташаббуси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган эди. Шах-шубҳасиз, мазкур ташаббусни сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида олиб бораёт-

ган мутлақо янги ташки сийёсатининг мантқий давоми сифатида санаб, минтақанинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини оширишда муҳим стратегик қадамлардан бири дея баҳолаш мумкин.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги халқларни жипслаштиришга йўналтирилган янги ташки сийёсатини амалга оширишда маданий ва маърифий-маънавий соҳалардаги фол ҳамкорликлар муҳим омил ҳисобланади. Бундан қўзланган асосий мақсад — минтақда тинчлик, барқарорлик ва ҳавфсизлик муҳитини шакллантириш ва халқларнинг фаровон ҳаёт кечирishiга шароит яратиш, "халқ дипломатияси" йўли билан қардош халқларни янада яқинлаштиришдир.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё нийҳатда бой тарихга ва маданий меросга эга бўлган инсоният цивилизациясининг энг қадимий бешликидан биридир. Минтақа Буюк Ипак йўли марказида жойлашган ва унда яшовчи халқлар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги халқаро савдо, илм-фан ютуқлари ва маданиятларининг алмашинуви таъминловчи ўзига хос муҳим глобаль ролини амалга оширган. Минтақанинг бешта мамлақати — Қозғистон, Қир-

ғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўз тарихи, маданияти ҳамда ижтимоий-сийёсий тараққиётида кўп узвий ўшашликларга эга бўлиб, тарихан яғона илм-фан ва маданий макон сифатида шаклланган.

Шу ўринда, умумминтақавий устувор манфаатларга асосланган "Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" мавзуда халқаро анжумани ўтказиш минтақа давлатлари аҳолиси ўртасида ақдклик руҳини қучайтиради ва давлатларини муносабатларда яхши қўнанишнинг бардовомлигини таъминлашга фол муҳим ҳисса қўшади. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа давлатлари жаҳон цивилизациясига қўшаётган улкан ҳиссаларини қайта эътироф этишга имкон беради. Қолаверса, халқаро микёсдаги илм-фан вақилларининг Марказий Осиё вақиллари бой илмий ва маданий меросларини ўрганишга бўлган қизқишларини янада ортттиради. Шунингдек, Марказий Осиёнинг маданий ва тарихий меросларини қайта тиклаш ва оммалаштиришда халқаро ҳамжамиятнинг иштирокини янада фаоллаштиришга қўмаклашадир.



Мазкур халқаро форумнинг яна бир муҳим жиҳати — Ўзбекистоннинг қадимий Хива шаҳри туризм брендини янада ривожлантиришга ва туристик оқимнинг кўпайишига хизмат қилади. Шубҳасиз, ушбу ташаббусни Марказий Осиёнинг барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақача айланштиришда амалий қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Илёс АБДУЛЛАЕВ, Урганч давлат университетининг иқтисодий факультети декани, профессор.

ЭЪЛОН

ВАЖНАЯ ИНФОРМАЦИЯ ДЛЯ ГРАЖДАН РОССИИ

19 СЕНТЯБРЯ 2021 ГОДА ПРОЙДУТ ВЫБОРЫ ДЕПУТАТОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДУМЫ ФЕДЕРАЛЬНОГО СОБРАНИЯ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ ВОСЬМОГО СОЗЫВА. ВСЕ ГРАЖДАНЕ РОССИИ, НАХОДЯЩИЕСЯ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА И ИМЕЮЩИЕ ПРАВО ГОЛОСА, ПРИГЛАШАЮТСЯ В ЭТОТ ДЕНЬ НА ИЗБИРАТЕЛЬНЫЕ УЧАСТКИ:

- № 8297 — г. Ташкент, ул. Нукус, 83 (посольство Российской Федерации),
- № 8371 — г. Самарканд, ул. У. Юсупова, 5 (гостиница «Zilol Baxt»),
- № 8374 — г. Фергана, ул. Алишера Навои, 26 (гостиница «Азия Фергана»).

Избирательные участки будут открыты с 8.00 до 20.00. Правом на участие в выборах обладают все граждане России, достигшие на день голосования возраста 18 лет. Для получения избирательного бюллетеня необходимо иметь при себе документ, удостоверяющий личность гражданина Российской Федерации. Просим соблюдать санитарно-эпидемиологические требования по борьбе с коронавирусом при посещении избирательного участка!

Безопасность голосующих — наш приоритет!

ВЫБОРЫ 19 СЕНТЯБРЯ 2021 ВЫБИРАЕМ ВМЕСТЕ!

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Гузлноза ОЧИЛОВА, Тошкент давлат иқтисодий университетининг Инновацион таълим кафедраси доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛҲАТЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛАҒА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.25 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6